1.	Туркман тили	П. Азимов	1997
2.	Туркман адабиёти	О. Язимов	1995
3.	Рус тили	Д. Курбатова	1997
4.	Книга для чтения	Г. Прошина	1997
5.	Инглиз тили	А. Дурдиев	1993
6.	Немис тили	Д. Бабоев ва б.	1992
7.	Жаҳон тарихи	Р. Фармонов	янги нашр
8.	Ўзбекистон тарихи	Р. Муқминова ва б.	янги нашр
9.	Алгебра	Ю. Макаричев ва б.	1991
10.	Геометрия	А. Погорелов	1992
11.	Физика	И. Кикоин ва б.	1994
12.	Химия	Г. Рудзитис ва б.	1994
13.	Одам ва унинг саломатлиги	Б. Аминов ва б.	1997
14.	Ўзбекистон иқтисодий географияси	З. Акрамов ва б.	1997
15.	Техникавий графика асослари	А. Умронхўжаев	1997
16.	Давлат ва ҳуқуқ асослари	О. Каримова	янги нашр

9-синф

| | | |

ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Самарқандда вилоят ёш ўқитувчиларининг амалий анжумани бўлиб ўтди. Мазкур анжуманни вазир ва ёш ўқитувчилар учрашуви деб атасак ҳам хато бўлмайди. Негаки, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ёшларга Президентимиз бераётган эътибор, улардан кутилаётган ислоҳотларимизга мос билим ва ҳаракатларнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Ёшлар билан мулоқотда бўлди, уларнинг дарду ҳасратларига ошно бўлди. Анжуманда 500 нафардан зиёд ёш мутахассислар туман халқ таълими бўлимлари услубхона мудирлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари иштирок этишди. Анжуманда бугунги кунда ёш педагог ходимлар олдида турган турли муаммолар, ёш ўқитувчиларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетиш сабаблари ва унинг олдини олиш, ёш педагогларга қулай шарт- шароитлар яратиш ҳақида суҳбат, эркин мулоқот бўлди.

Jarayon

Мулоқотларда Самарқанд туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Н. Очилованинг «Таълим жараёнидаги долзарб масалалар», Тайлоқ туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Дилноза Аминжонзоданинг «Бошланғич таълим муаммолари», Пастдарғомлик Машҳура Турдимуродованинг «Кимё дарслиги ва қўлланмалари ҳақида»ги мулоҳазалари, Қўшработ туманидан Азамат Рустамовнинг «Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда ўқитувчиларнинг вазифалари» мавзуидаги чиқишлари ҳам тингланди. Мулоқот якунида халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирокчилардан тушган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Маматов ва вилоят ХТБ бошлиғи А.Бекмуродов қатнашдилар. Анжуман ниҳоясида ёш ўқитувчилар Республикадаги барча тенгдош ҳамкасбларига «Миллий дастур ижросига масъулмиз» Мурожаатномасини қабул қилишди. Қуйида мурожаатнома матни эълон қилинмоқда.

МИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖРОСИГА МАСЪУЛМИЗ

Самарқанд вилояти ёш ўқитувчилар анжумани иштирокчиларининг республикадаги барча ҳамкасбларига МУРОЖААТИ

Азиз ҳамкасблар!

Ўқитувчилик касбининг мамлакатимиз тақдири учун нечоғлик нозик ва шу билан бирга катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасмиз. Чунки мустақиллик моҳиятини чуқур ҳис этган ва шуурига сингдира олган ҳар бир юртдошимиз бу нарсани билиб, кўриб турибди. Ана шу масъулиятли жараённи оқилона англаш, хусусан, сизу биз - ўқитувчилар учун ниҳоятда зарурдир. Чунки юртбошимиз таъкидлаганларидек, жамиятнинг ҳозирги босқичида таълим ва тарбиядан ортиқроқ, олийроқ долзарб вазифа йўқ.

Биз, самарқандлик ёш ўқитувчи ва тарбиячилар ўз анжуманимизда бугунги кунда таълим ходимлари олдига қўйилган вазифаларни ва ана шундан келиб чиқадиган йўналишларни белгилаб олдик. Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 февралдаги йиғилишида сўзлаган нутқидаги асосий қоидаларни ўз фаолиятимизда қўллаш тадбирларини белгиладик. Шуни таъкидлаш керакки, олдимиздаги вазифалар ниҳоятда улкан ва масъулиятли. Бироқ, тарбияни, таълимни биргина мактаб, муаллимлар зиммасига ташлаб бўлмайди. Маҳалла фаоллари, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, корхона ва хўжаликлар бу ишга бош қўшишлари лозим. Биз ана шу мададкорларимизга қаттиқ таянишимизни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Негаки, таълимни давлат сиёсати, долзарб вазифа даражасига кўтариш жамоатчиликнинг кучи билан амалга оширилади.

Азиз тенгдошлар! Авваламбор биз сизларга мурожаат қиламиз. Ҳукуматимиз, хусусан, юртбошимиз таълим соҳасига эътиборни кучайтирар экан, ёш ўқитувчиларга кенгроқ ўрин бериш кераклигини таъкидламоқдалар. Президентимизнинг Америкада таҳсил кўраётган талабалар билан суҳбатда ёш кадрларга билдирган ишончи ҳар биримизнинг қалбимизда ғурур уйғотди. Демак, мамлакат, халқимиз, юртбошимиз сизу бизга ишонаяпти. Ана шу ишончга сазовор бўлиш учун нима қилишимиз керак?

Биринчидан, таълим мазмунини тубдан янгилайлик, ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиб янги педагогик технологияни қўллайлик, ўқув жараёнини инсонпарварлаштирайлик.

Иккинчидан, қўйилаётган талабларга мос бўлган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратайлик.

Учинчидан, ўз билимимизни, иқтидоримизни намойиш қилиш учун жаҳондаги илғор таълим усулларини ўзлаштирайлик. Фанимизга тегишли бўлган билимимизни бойитайлик. Етук педагог кадрларни тайёрлашда муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

Тўртинчидан, ўқитувчи ва тарбиячи маданият тарғиботчиси эканлигини унутманг. Кийинишимизда, юриш-туришимизда, муомаламизда ўқувчиларимизга ибрат бўлайлик.

Бешинчидан, Шарқ азалдан маърифат маскани ҳисобланган. Демак, шарқона услуб таълимда ҳам яловбардор бўлган. Шундай экан, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Сиддиқий-Аржий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Қори Ниёзий сингари алломаларимиз яратган мактабларни пухта ўзлаштирайлик, таълим жараёнини шуларга таянган ҳолда ривожлантирайлик. Қолаверса, ўзимиз ҳам ана шундай мактаблар яратиш иштиёқи билан яшайлик.

Бугунги ўқитувчининг жамиятдаги ўрни бошқача. Мустақиллик туфайли бизга жаҳон эшиклари очилди. Демак, замон халқаро талаблар даражасида фаолият кўрсатишни талаб этмоқда. Ана шу талабларни ўзида жо этган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Миллий дастур ижроси эса бизни жаҳон майдонига олиб чиқади.

Шу ўринда халқ таълими муассасалари раҳбарларига ҳам мурожаат қилмоқчимиз. Ёшларни таълим муассасаларига ишга олиш билан бирга уларнинг унумли меҳнат қилиши учун шароит яратиб беришларингизни сўраймиз. Ҳаёт тажрибасига эга бўлган муаллимлар уларни ўз оталиғига олсин, йўл кўрсатсин, иш ўргатсин. Бизнингча ёш мутахассисларни рағбатлантиришнинг йўлларидан бири улар меҳнати натижасини одилона баҳолашдир. Малакали, иқтидорли кадр тайёрлаган, ўқувчилар ўртасида обрў-иззат топаётган тенгдошларимизни кўпроқ тарғиб этайлик. Булар ўртасида тез-тез танловлар, учрашувлар ўтказиб туриш лозим. Токи, ҳар бир ёш муаллим ва тарбиячи ўз меҳнати самараси якунида рағбат олишни ҳис қилсин. Эҳтимол, бундай тадбирлар учун юқоридан маблағ ва кўрсатмалар кутиб ўтирмасдан, уни фидоийлар, ҳомийлар ёрдамида ўзимиз ташкил қилишимиз мумкиндир.

Яна бир нарса. Тажриба бир кунда пайдо бўлмайди. Аммо илғор тажрибаларни ўқув йили якунида умумлаштирамиз, оммалаштирамиз, деб кутиб ўтириш ҳам мумкин эмас. Қаердаки, тенгдошларимиз таълимнинг ўзига хос, таъсирчан усулини қўллаб, самарага эришар экан, уни дарҳол ўрганиш, ўзлаштириш, бошқаларга етказиш чорасини кўрайлик. Назаримизда вилоят ва туман миқёсида ёш муаллимларнинг тажрибаларини ўрганиш кунларини ташкил этиш лозим. Дарвоқе, бу борада тажрибалар ҳам йўқ эмас.

Азиз тенгдошлар!

Юқорида таъкидлаганимиздек, маданиятлилик ўқитувчи нуфузини белгиловчи омиллардан биридир. Сиёсий маданият эса ҳозирги кунда ҳар нарсадан-да қадрли. Бу нарса бевосита сиёсий онгимиз билан боғлиқ. Демоқчимизки, баркамол авлодни тарбиялаш учун, энг аввало, вужудимизда жамият иллатларига, хавфли ақида ҳамда мафкураларга, хусусан, диний ақидапарастлик ва экстремистик иллатларга қарши кураш ҳиссини уйғотайлик. Соҳамизда тўпланиб қолган иллатларни енгишда ҳамжиҳатликда ишлайлик.

Бир сўз билан айтганда, истиқболга юз очган мустақилликни мустаҳкамлаш учун қатъият билан бораётган заҳматкаш, эрксевар халқимизга, она-Ватанимизга муносиб муаллимлар ва тарбиячилар бўлайлик!

Ангренлик математика ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Обиджон Ниғматов 22 йилдан буён шогирдларига пухта сабоқ бериш билан бирга 5 нафар фарзандни илмли, баркамол қилиб вояга етказаяпти. Катта қизи Моҳидил ТошДУ тарих факультети 4-курс талабаси. Ўғли, Ангрендаги ўзбек-турк лицейининг 11-синф ўқувчиси Ориф шу йил республика олимпиадасида математика фани бўйича 1-ўринни қўлга киритди. Кичиклари эса 29-мактабнинг аълочи ўқувчилари.

Суратда: ота-бола математик Ниғматовлар.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Topilma

МАКТАБ МУЗЕЙИГА

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Қарнаб ота» қишлоғининг 45-мактабида «Тарих музейи» ташкил этилган. Истиқлолга тенгдош музей 8 йил ичида «Қарнаб ота» тарихидан ҳикоя қилувчи 300 га яқин экспонатлар билан бойитилди. 1998 йил қишлоқ тепалигида немис олимлари қазишма ишлари олиб бораётганда катта хумкўзанинг 400 га яқин синиқларини (20 м. чуқурликдан) топишди. СамДУ мутахассислари ҳамкорлигида махсус елим ёрдамида тикланган ноёб топилма эрамиздан олдинги IV асрдан «ҳикоя» қилади. Бу идиш 500 кг гача дон сақлаш учун ишлатилган. Бу топилма қишлоқ тарихи 2500 йилга яқинлигидан дарак беради.

Ушбу «гигант» экспонатни олимлар мактаб музейига топширишни маъқул кўрдилар. Айни пайтда у мактаб музейида ўқувчиларга ўз қишлоқларининг ўтмишидан ғурур ҳиссини бахш этиб турибди.

Ўткир ПЎЛАТ

Tadbir

ҲУЖЖАТЛАР БОР, ИЖРО-ЧИ?

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги 16-ўрта мактабда ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Унда туман халқ таълими тизими раҳбарларига ўз вақтида берилаётган ҳужжатлар таълим тизими раҳбарларига ўз вақтида берилаяпти, аммо мазкур ҳужжатлар ўқув муассасалари жамоаларига ҳар доим ҳам тўлиқ равишда етказилмаяпти. Натижада буйруқ, қарор, кўрсатма ва тавсияларни бажаришда масъулиятсизликка, сусткашликка йўл қўйиляпти.

Йиғилишда тажрибаларни оммалаштириш бўйича ўзаро фикр алмашинди ҳамда билдирилган камчиликлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз

Ta'lim muassasalarida

КИЧИК ДОРИЛФУНУН

«Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган ал-Хоразмий номидаги лицей-интернатни 1998 йилда 76 нафар ўқувчи битирганмиш-у, уларнинг роппароса 73 нафари тест синовлари орқали олий ўқув юртларига ўқишга кириб кетишганмиш...»

Бутун қашқа воҳаси буйлаб таралган бу «ёқимли миш-мишлар» мени Шаҳрисабз шаҳрига бошлаб келди.

Мана, уша ал-Хоразмий номли лицей-интернат. У шаҳарнинг қоқ белида, улуғ жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг ўткир нигоҳлари қадалиб қолган, кўҳна «Оқ сарой»нинг шундоққина биқинида жойлашган. Лицей-интернат ҳовлиси гўё меҳмон кутаётган узбек хонадонини эслатади. Ғир атроф топ-тоза, ҳаммаёқ саранжом-саришталли. Хона ва залларни, ётоқхонаю ошхоналарни, кутубхонаю қироатхоналарни айланамиз. Директордан тортиб навбатчи муаллимгача, талабадан тортиб фаррош холагача ҳамма-ҳамма ўз урнида. Хона ва заллар шундай нафис дид билан безатилганки, улардан Ватан меҳри, шарқ халқларининг унутилаёзган миллий қадриятлари уфуриб турибди.

Лицей интернат директори Сирожиддин ака Тожиддиновни Шаҳрисабзда кўпчилик ҳурмат қилади. Бир пайтлар эл ичида «Шаҳрисабзнинг энг кучли математиги» деб ном чиқарган бу муаллим, узоқ йиллар мобайнида шаҳардаги атоқли илм масканлари ҳисобланмиш Амир Темур ҳамда Мирзо Бедил номидаги мактабларда ёшларга риёзиёт илмидан сабоқ бериш билан бирга, шаҳрисабзлик математика фани муаллимлари шўъбасига раҳбарлик қилди. Неча-нечалаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Ахир устознинг қўксини безаб турган «Қашқадарё халқ таълими фидойиси», «Республика халқ таълими аълочиси», «Шуҳрат» медали каби нишонлари фидоий бир муаллимга эл-юрт берган ҳақиқий баҳо эмасми?!

Сирожиддин Тожиддинов елиб-югуриб, 1996—1997 ўқув йили бошида ана шу янги турдаги махсус илм масканини очди. Мана ҳозир ҳам худди шу ерда ҳали у, ҳали бу ташвишлар билан эрта тонгдан қоронғи кечгача чопқиллаб юрибди...

Сўраб-суриштирдик. Дарҳақиқат, 1997—1998 ўқув йилида ал-Хоразмий номли лицей-интернатни 76 нафар ўқувчи битирган бўлиб, уларнинг 73 нафари, яъни битирувчиларнинг 96 фоизи тест синовлари орқали имтиҳон топшириб, олий ўқув юртларининг талабалари бўлишган.

Булар лицей-интернатнинг иккинчи қалдирғочлари.

Биз биринчи қалдирғочлар ҳақида ҳам сўрадик.

— 1996-1997 ўқув йилида битирган илк қалдирғочларимизнинг 82 фоизи олийгоҳларга киришганди — дейди лицей-интернат директори — Бу паст кўрсаткич. Бироқ, биз шу билан ўзимизга тасалли берамизки, биринчи битирувчиларимизни биз фақат бир йилгина, яъни ўн биринчи синфда ўқитдик холос. Бу йилги натижаларимиз ёмон эмас. Камтаринлик бўлмасин, ҳозир ўз кўрсаткичларимиз билан биз вилоят лицей-интернатлари орасида биринчи ўринда турибмиз. Насиб бўлса, 1998-1999 ўқув йилида кўрсаткичларимизни тўла юз фоизга етказамиз...

Айни кунда лицей-интернатда математика-иқтисод, физика-математика, тарих-она тили, химия-биология йўналишлари буйича 250 нафар ўқувчи тарбияланмоқда. Уларга 28 нафар ўқитувчи илму-одоб ўргатаётир. Уларнинг 14 нафари олий, 8 нафари биринчи, қолган 6 нафари иккинчи тоифали фидойилардир. Лицей - интернатда меҳнат қилишаётган Ҳ.Жабборов, Ж.Исломов, Ж.Шодиқулов, А.Икромов, Н.Нурматова, Н.Йўлдошев, Н.Қўпайсинов, У.Қурбонова, Б. Хуррамовларнинг ҳар бирларини лицей-интернат директорининг таъбири билан айтганда «онадан муаллим бўлиб туғилганлар» деб айтиш жоиз бўлади.

Кузатувларимиздан шундай хулосага келдикки, ал-Хоразмий номидаги лицей-интернатда таълим-тарбия жараёни илмий асосда ташкил этилган. Талабалар қатъий жадвал ва «темир интизом» асосида фан асосларини ўрганмоқдалар. Муҳим томони шу ердаки, муаллимлар кечаю кундуз болалар орасида, ўқувчилар ўз устида мумкин қадар қўпроқ ишлашга уринишади. Яна битта гап. Устозу шогирдлар, ҳамма-ҳамма ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараган одамни ёқтиришади.

Лицей-интернат ўқувчиси Сарвар Болтаев ўтган ўқув йилида Америка Тинчлик корпуси томонидан ўтказилган иқтидорли ўқувчилар беллашувида иштирок этиб, «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» деб номланган иншолар кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Лицей-интернат ўқувчилари Муҳайё Жалилова ва Ниҳола Қиёмовалар жорий ўқув йилида Американинг «АКСЕЛС» ташкилоти томонидан ўтказилган «Иқтидорли ўқувчилар» танловида иштирок этиб, республикамизнинг биринчи ғолиблари деб топилдилар. Фан олимпиадаларида ва қатор кўрик-танловларда лицей-интернат ўқувчилари ўзларини кўрсатиб келмоқдалар.

Лицей-интернатда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фаолияти тўлиқ диагностик таҳлил асосида баҳоланмоқда. Бу яхши усул. Кимнинг қандайлиги-ю, кимнинг меҳнати серсамаралиги ойнадек ҳаммага кўриниб турибди.

Илиқ бир таассуротлар оғушида Шаҳрисабздан қайтганимиздан буён ҳам анчамунча кунлар ўтди. Бироқ, ҳали-ҳануз лицей-интернат директори Сирожиддин ака Тожиддиновнинг дадил айтган бир гапини ўйлайман: «...насиб бўлса, 1998-1999 ўқув йилида кўрсаткичларимизни 100 фоизга етказамиз. Битирувчиларнинг барчаси олий ўқув юртларига киришади...»

Инсонлар бу «бир кам яралган » дунёда орзулари билан тирик. Орзулар тугадими, худо кўрсатмасин, ҳаёт ҳам тугайди. Яна битта гап. Орзулар одамларни олга ундайди. Орзулари улкан одамлар ориятли бўлишади. Ориятли одамлар эса орзуларига етишади.

Нима бўлганда ҳам ваъда қилдик, ал-Хоразмий номли лицей-интернат жамоасининг орзулари ушалган кунда биз яна илм масканига келамиз, жамоа аъзоларининг ютуқларини кўпроқ ва кенгроқ ёзамиз.

Абдували ОБИДДИН

МАЛАКАНИНГ «ИЛДИЗИ»

(Боши 1-бетда)

Телевизорда Ўзбекистон ва хориж ҳаёти билан боғлиқ янгиликларни ҳамиша кўриб борадими, радио тинглайдими? Китоб мутолаа қилишга ҳафсаласи борми,? Шахмат, шашка ўйнаб, бошқотирма ечадими?

Ана шу саволларнинг негизида ўқитувчининг ўз устида мустақил ишлаши ётибди. Бинобарин, бу амалларни аудиториядаги маърузалар билан қўрқмасдан тенглаштираверiш мумкин.

Илмий амалий анжуманда давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Р. Аҳлиддинов, Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори А. Акмалов, Самарқанд ВПХМОИ ректори А. Аминовлар ҳам сўзга чиқишиб, малака ошириш тизимининг бугунги муаммоларига атрофлича тўхталишди. Бундан ташқари, Буюк Британия қироличаси инспектори Баб Янг «Хорижий давлатлар ва Ўзбекистонда ўқитувчилар малакасини ошириш тизимининг қиёсий таҳлили» ни келтирди. Инспекторнинг фикрича, Европа давлатларида биздагичалик малака оширишга эътибор катта эмас ва бундай курслар пуллик.

Анжуманнинг ялпи мажлиси тугагач, унинг иштирокчилари бир нечта шўъбаларга бўлинган ҳолда баҳс-мунозараларини давом эттиришди.

Халқ таълими вазирлиги, Марказий институт, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси, фан ва техника давлат қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган илмий амалий анжуман шу билан ўз ишига якун ясади.

Оймуҳаммад ТИЛАКОВ

Ҳурматли устозимиз Норпўлат РАҲИМОВ!

Сизни табаррук 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сизнинг Қумқўрғон туманидаги 43-умумтаълим мактабида олиб бораётган ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги эзгу ишларингизда ривож тилаймиз. Розия опа билан қўша қариб, ҳамиша болаларингизга бош бўлиб юришингизни яратгандан сўраймиз.

Шогирдларингиз: Рамазон, Ашур, Қурбонгул, Холтўра, Бойқобил, Муҳаммадихон.

QUTLOV

Ҳурматли Тўра АЗИЗОВ!

Қутлуғ ярим асрлик ёшингиз муборак бўлсин! Ушбу қутлуғ кунда умрингиз узоқ, толеингиз янада порлоқ бўлишини тилаб қоламиз. Кўнглингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин.

Тошкент вилояти 23-касб-ҳунар мактаби жамоаси.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриёти халқимизнинг маънавий мероси дурдоналарига дахлдор китобларни чиқариш борасида бевосита академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта умумтаълим мактаблари юқори синфлари учун ўқув фанларидан кўргазмали қуроллар тайёрлаб сотувга чиқарди. Жумладан физика ва химиядан 18 кўринишдан иборат бўлган жадваллар тўплами шу кунларда нашрдан чиқди. Шунингдек, ўқув йили сўнгида ўқувчиларни ва ходимларни рағбатлантириш учун «Maqtov yorliq» ва «Фахрий ёрлиқ» ҳам мавжуд. Бу маҳсулотларни «Маънавият» нашриётидан пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй. Мўлжал «Боғи эрам» истироҳат боғи. Тел: 68-24-15, 67-22-14

Sport maydonchasi

ОСИЁ «ЙЎЛБАРСИ»

18 марта ўтказилган футбол бўйича «Осиё чемпионлари кубоги» мусобақаси ўз ниҳоясига етди. Рақибларидан анча устун эканлигини исботлаган ҳамда омадни ҳам ўз тарафига оғдира олган Японияниг «Жубила Ивата» жамоаси кубокни ўз юртига олиб кетди.

КУРАШ АВЖИДА

Айни кунларда Норвегияда хоккей бўйича жаҳон чемпионати қизғин давом этаяпти. «Хоккей гигантлари»нинг шиддатли, аёвсиз тўқнашувлари мухлису мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан кузатиляпти.

КУЧЛИЛАР КЎЗГА ТАШЛАНИБ ҚОЛДИ

Футбол бўйича 1-табақа жамоалари ҳам 9 тур учрашувларини ортда қолдиришди. Ҳозирча олий табақага бериладиган икки йўлланма учун «Кимёгар» ва «Семурғ» жамоалари асосий даъвогар бўлиб туришибди.

БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ

Наманган шаҳрида якунланган шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз аъло даражада қатнашишди. Қизлар ўртасида наманганлик Ольга Сон Осиё чемпиони бўлган бўлса, болалар ўртасида Леонид Козак иккинчи ўринни қўлга киритди.

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Ҳозирги пайтдаги шахмат бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпиони венгриялик Жужа Полгар болалик чоғлариданоқ ноёб қобилияти билан барчани лол қолдириб келган. Шахмат бўйича спорт устаси бўлганда у атиги 10 ёшда эди.

ШАҲРИСАБЗДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Яна бир йил ўтди. Яна биз кутган май келди. Яна биз кутган ижодкор ўқитувчиларнинг анъанавий VIII республика анжумани бошланиш тараддудида. Бу йилги анжуман Қашқадарёнинг яшил шаҳри – Шаҳрисабзда бўлиб ўтади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида бир қўлида бутун бошли рўзғорни, оилани, синф журналини тутиб, иккинчи қўлида қалам тебратиб ижод қилаётган устозлар ташриф буюрадилар. Улар шоир айтганидек, ҳар шеъри юрагининг битта журъати эканини, ҳар сатри руҳининг битта сурати эканини бугунги адабиётимизнинг истеъдодли вакилларига ҳавола қиладилар.

Дейдиларки, шоиру шоираси, адибу адибаси кўп юртда шубҳасиз эзгуликлар мўл бўлгай. Эртаиндин Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтадиган анжуман ана шу ақидани яна бир карра исбот этишига ишонамиз.

«МУБОРАК ДАМЛАР» НАФАСИ

Боғлар сингиб кетар бахт оғушига,
Ел аста сийпалар майсалар кўксин.

Бу мисраларнинг муаллифи муаллим. Шу тоза туйғулар, самимий тасаввурлар бир оддий ўқитувчиники. Сиз бу гапларимизнинг исботини билмоқчи бўлсангиз «Муборак дамлар»ни варақланг. «Муборак дамлар» у...

Маълумки бу йил «Ижодкор ўқитувчи»лар анжуманининг саккизинчи бор ўтказилиши. Хўш, у шу ўтган вақт мобайнида кенг жамоатчилигимиз кўнглида қандай акс-садо берди? Албатта, бу саволга биргина мисол билан жавоб бериш мумкин.

Эсингизда бўлса, икки йилдирки, Республикамизнинг ижодкор ўқитувчилари манзумаларидан иборат «Муборак дамлар» деб номланган китоб нашр этилаяпти. Бу йил ана шу китобнинг навбатдаги учинчи тўплами 10 минг нусхада нашр этилди. Ушбу мажмуада ўтган йилги «Ижодкор ўқитувчи»лар анжуманида иштирок этган ўқитувчиларнинг энг сара асарлари жамланган.

Дарҳақиқат, яна бир китоб қўлимизда. Унда ўқитувчиларимиз болаларга сабоқ бериш билан бирга ўзларининг қалб тебранишларини, ҳаёт ҳақидаги таассуротларини бадиий ифодаларга айлантирган. Ўйламизки, бундай самимий тасаввурлар сизга-да маъқул бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Мустақил Ватаним — Ўзбекистон,
Мен сени севаман юракдан, дилдан.
Керак бўлса, агар берайин жоним,
Ҳеч қачон кечмасман сендек Ватандан.

Муқаддас тупроғинг суртиб кўзимга,
Фарзандинг эканимдан фахрга тўлдим.
Меҳрим қўшиб ёзай ҳар бир сўзимга,
Бағрингда улғайиб бахтиёр бўлдим.

Кундан-кун яшнаган гўзал чиройинг,
Қалбимда туганмас қувонч уйғотди.
Озодлик қуёши ёритиб йўлинг,
Халқим орзу қилган тонгларинг отди.

Жаҳонга танилган эй улуғ ўлкам,
Иқболинг бундан ҳам зиёда бўлсин.
Сен мен-чун дунёда ягона, кўркам,
Осмонингда доим қуёш, ой кулсин.

Яшин ЭШИМБЕТОВ
Беруний тумани

Баҳор гуллари

БАРДОШ БЕРДИ ЁЛҒИЗ ШУ ҚАЛАМ

Мен гулларга дардимни айтдим,
Қизил юзи сарғайиб кетди.
Маъюс кўзим гавҳарларига,
Яна қанча азоблар битди.
Мен дардимни дарёга айтдим,
Ҳасратимдан айланди музга.
Жонсиз бўлиб бағримга қайтди
Ватан бўлдим
безовта сўзга.
Мен дардимни қушларга айтдим,
Қанотида йиғлади севинч.
Узун тунлар ҳорғин юзимдан,
Тортинмасдан ўпавер ўкинч.
Мен дардимни қуёшга айтдим,
Нурларидан таралди алам.
Тунга айтдим..
Кўз ёшга айтдим,
Бардош берди
ёлғиз шу қалам.

Саодат ОЛИМОВА,
Оқдарё туманидаги 63-мактаб ўқитувчиси

ХАНДАЛАР

Собиқ шўролар даврида учта абитуриент имтиҳон топширмоқда. Уларнинг биринчиси миллионернинг, иккинчиси ўртаҳол амалдорнинг, учинчиси камбағалнинг ўғли.

Биринчи абитуриентга савол:

— Америкаликлар атом бомбани қайси мамлакатга ташлашган?

— Японияга.

— Беш.

Иккинчи абитуриентга савол:

— Америкаликлар атом бомбани қайси мамлакатга ташлашган?

— Японияга.

— Нечанчи йилда?

— Бир минг тўққиз юзу қирқ бешинчи йилда.

— Беш.

Учинчи абитуриентга савол:

— Америкаликлар атом бомбани қайси мамлакатга ташлашган.

— Японияга

— Нечанчи йилда?

— Бир минг тўққиз юзу қирқ бешинчи йилда.

— Қайси шаҳарлар вайрон бўлган?

— Хиросима ва Нагасаки.

— Неча киши вафот этган?

— Икки юзу тўқсон тўрт минг киши.

— Ҳаммасини ном-ма-ном сананг-чи?

* * *

Ишда аёллар жанжаллашиб қолишди. Бошлиқнинг сабри тугаб бақирди:

— Ўчир, ҳамманг овозингни! Кимнинг ёши катта бўлса ўша биринчи гапирсин.

Гапирадиган битта ҳам аёл топилмади.

* * *

Онаси ўғлига танбеҳ бераяпти:

— Уялмайсанми, ўғлим. Синф раҳбаринг яна сендан шикоят қилаяпти. Отангдан ўрнак олсанг бўлмайдими? Намунали хулқи учун уни муддатидан олдин қамоқдан бўшатишибди.

* * *

Идиш-товоқ ювяётган отасидан ўғли сўраяпти:

— Дада, Дада! Сиз неча йилдан бери ойимнинг қўлида хизмат қиласиз?

ЖАВОБ

Бугун уйга кириб келди
Соқи ўйчан, бўшашиб.
Она боқиб ранг-рўйига
Ҳайрон, сўрайди шошиб:

- Ҳа. Тинчликми? Нима бўлди?
Мунча оқарган юзинг?
Келаяпсан уйга бугун
Тушиб қўлдан тарвузинг?

Соқи ҳайрон, қарар ўнг-сўл
Ва очилиб чиройи,
Жавоб қилар: - Мен бозордан
Тарвуз олмадим, ойи...

«ДОКТОР ОПА»

Оқ халат кийиб олиб,
Бизнинг кичик Юлдузхон.
Эшикларин олдида,
«Доктор»лик қилар ҳар он.

Жажжи, кичик болалар
Бўлар унинг «бемор»и.
Қоғозга ёзиб берар
Ўйлаб ўзича «дори».

Бир-бир киришиб унинг
«Бемор»лар «қабул»ига.
«Кўрсатиб» ўзларини
Кетарлар «манзил»ига.

Сал фурсат ўтмай яна,
«Бемор»лар бир-бир қайтар.
«Кўриб» уларни энди
- Тузалибсиз, - деб айтар.

Хуллас, ҳар кун шу «ўйин»
Шу тахлит давом этар.
Ўн ёшли «доктор опа»
Болаларга завқ тутар.

Абдуманнон ТОШТЕМИРОВ,
Бағдод туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси

СИЗ ЎШАЛ ОРЗУНИНГ ГУЛЛАРИ...

Юракни тимдалаб ётган қайғулар,
Нечук бу қалбимни макон билдингиз.
Орзуга айланиб ётган туйғулар,
Нечун ғунча мисол кулмай сўлдингиз.

Сиз ўшал орзунинг гуллари бўлиб,
То абад очилиб туринг дилимда,
Бўй чўзган қайғулар очилмай сўлиб,
Ғовлар бўлолмасин ҳаёт йўлимда.

Қақраган кўнглимга муздек сув беринг,
Умрбод у сизни дуо айласин.
Ўртанган вужуддан бир бор ҳол сўранг,
Токим кўнглингизни мангу куйласин.

Отабек ҚОДИРОВ,
Жиззах туманидаги 37-мактаб ўқитувчиси

КАКЛИК БИЛАН БЕДАНА

(Масал)

Каклик билан бедана,
Яшардилар иптифоқ.
Бўлди недир баҳона,
Тушди орага нифоқ.

Бир-бирин хўп савашди,
Эрк беришиб оғзига.
Сўнгра ажрим сўрашди,
Бориб мушук-қозига.

Мушук деди: «Билингиз,
Қулоқ қурғур оғирроқ,
Тортинмангиз, келингиз,
Ўтирингиз берироқ».

Қози билан юзма-юз
Чўкди улар ёнма-ён,
Айтолмай сўз бир оғиз,
Ажралишди.. ўша он.

Тошпўлат ХОЛМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ туманидаги 56-мактаб директори

СОВЧИ

(Новелла)

Учала опа-сингил ўсма ди-ку, ўшамиз.

— Аттанг, билганимда тузукроқ қараб олардим-а. Биринчи чиққаними дебман. Айтгандай сочи сизникидақа узунми-а?

—Вой холажон, ҳозир узун соч қоптими. Елкасидан қирқиб олган.

— Ҳай, рости билан-а?

— Ҳа-да, мода шунақа ахир.

— Э, тавбангдан кетай, буни қаранг-а... — Ҳайратдан ёқасини тутди кампир. — Қизим мен турай. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Бувингиз борлигида келарман.

— Вой, ўтира турсангиз келиб қоларди-я.

— Кечга қолмайин, хайр, яхши қолинглар.

Кампир қутулганига шукур қилгандек шошибгина чиқиб кетди. Шундай қилиб, бояқиш совчининг капалагини учириб жўнатдик. Албатта опамиз азиз кишиси Маҳмуд ака учун шундай қилганини билардик-да.

Эртасига Дилдор опам ишдан ҳовлиқиб келди.

— Э, хомкаллалар, қовун туширибмиз. Қани, эшикорани тозаланглар. Эртага меҳмон келадиган бўлиб қолди, — деди. Сабабини билдиг-у, кўзларимиздан ёш чиққунча кулдик.

Ахир кечагина ўзи каловлатиб жўнатган аёл Маҳмуд аканинг онаси бўлиб чиқиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз?

Одашхон АБДУМАЖИДОВА,
Хўжаобод туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси

ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

Қишлоқнинг янги маҳалласига электр симлари тортилди. Электр токидан эса дарак йўқ. Ҳозирча тортилган симлардан аёллар ювилган кирларини қуритиш учун фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

* * *

Баҳор келиб толлар барг чиқариши олдидан қишлоқда ёш болаларни суннатга ётқизиш қизғин бошлаб юборилди. Ҳозиргача жами 20 нафар бола суннат қилдирилди. Яна 30 та оила колхоз пул берса бу ишни амалга оширишни мулжаллаб туришибди.

* * *

«Қишлоқнинг нозанин кампири» қурик-танлови якунланиб, унда 80 ёшли Фармон хола ғолиб бўлди. Хола лой қучада югуриш, қоронғи уйда калиш билан чолни аниқ уриш, тезак ёқиб чой қайнатиш, деворга ташпи ёпиш, товуқни қувалаб тутиш, буғдой экилган даладан ғўзапоя юлиш каби шартларни муваффақиятли бажарди.

Ҳакамлар холага калта юбка, помада ва шляпа совға қилдилар.

* * *

Семизлар ўртасида «қоматимга тил теккизма!» деб номланган сакраш мусобақасида 300 килограммли Асад полвон 3 марта сакраб ғолиб бўлди. Бу семизлар ўртасидаги рекорд натижадир.

* * *

Қушни хотин билан индамай юриш мусобақаси ўйнаган Офатхон бир ҳафта гапирмай юриб ғолиб бўлди. Лекин бу ғолиблик унга қимматга тушди. Хотинининг индамай юрганидан фойдаланган эри қулоғидаги зирагини, янги кўйлагини, тилла соатини ва уйдаги яроқли нарсаларни сотиб ичиб юборди.

Bir chimdim kulgu

ЭЪЛОНЛАР

100 ёшга эндигина кирган Шоқосим бобо 90-95 ёшлардаги қадди-қомати келишган, камида 30 та тиши бўлган, сочи узун, пазанда, нос чекмайдиган, хуррак отмайдиган, аввалги чолини сира эсламайдиган кампир билан турмуш қурмоқчи. Талабгорлар бобонинг 80 ёшли ўғлига учрашишлари мумкин.

* * *

Диққат қидирув! Қишлоқдаги Соқибой томонидан 20 ёшли, ўрта бўйли, чиройли, кўзлари катта-катта, киприги узун, оёқлари келишган, нигоҳлари ўткир, бурун тешиклари кенгроқ, юқоридаги 2 та тиши тушган, буғдойранг Клара исмли сигир қидирилмоқда. У қушнининг Маналита лақабли сигири билан далага чиқиб кетганича уйга қайтмаган. Тоғанга Валентин деган шим суюнчи қилиб берилади.

Исроил ТУРҒУНОВ,
Норин туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси

Саҳифани Алишер НАЗАР тайёрлади

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Норали ОЧИЛОВ, Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0282. Тиражи 47.450.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.30.